

Тошкент ш.

«26 » иад 2022 й.

"O'zenergosozlash" MChJ Директори У. И. Ибрагимов, амалдаги жамият Уставига биноан, бундан кейин матнда "Пудратчи" томонидан ва "SIRDARYO IES"AJ бундан кейин матнда "Буюртмачи" вакили корхона асосида бошқа томондан, бундан кейин матнда томонлар, 77439- сонли Лот асосида қуидагилар бўйича шартнома туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. "Пудратчи" ушбу шартнома шартларига мувофиқ "Буюртмачи" топширигига асосан қуидаги ишларни (хизматларни) бажаришни ўз зиммасига олади:Бош бинонинг қозонхона бўлими темир фермалари ва темир кран ости йўлларининг техник ҳолатини аниқлаш. Иш ҳажми RH 34-301-556: 2007 га мувофиқ тузилган ва шартноманинг ажralmas қисми бўлган смета бўйича аниқланади. Ишнинг таркиби аниқ белгиланмаган ва Буюртмачи томонидан Пудратчи бажарадиган ишларнинг ҳақиқий ҳажми бўйича бажарилган ишлар далолатномасини расмийлаштиришда шартнома миқдори доирасида аниқлик киритилиши мумкин.

1.2. Ушбу шартнома бўйича "Пудратчи" томонидан барча ишларни (хизматларни) бажариш муддати: бошланиши 2022 йилнинг 2 чораги, якунланиши 2023 йилнинг 1 чораги.

1.3. "Пудратчи" ишни муддатидан аввал бажарип ҳукуқига эга.

2.2. ШАРТНОМА НАРХИ ВА ТЎЛОВ ТАРТИБИ

2.1. Тузилаётган вақтда шартноманинг умумий нархи, 15% КҶСни инобатга олган ҳолда 132 421 558,15 (Бир юз ўттиз икки миллион тўрт юз йигирма бир минг беш юз эллик саккиз сўм 15тийин) сўмни ташкил этади.

2.2. Ишларнинг қиймати шартнома тузиш босқичида белгиланади ва қуидаги ҳолатлардан ташқари ўзгартириш мумкин эмас:

- КҶС ставкалари ўзгарганда;
- ишлар ҳажми ва таркиби ўзгартиришлар киритилганда;
- материаллар ва эҳтиёт қисмларнинг нархи ўзгарганда.

2.3 Иш бошлашдан олдин "Буюртмачи" шартнома суммасининг 15% дан кам бўлмаган миқдорида "Пудратчи" ишнинг хисоб рақамига олдиндан тўловни амалга оширади.

2.4 Бажарилган ишларнингоралиқ далолатномалар асосида оралиқ тўловлар "Пудратчи" ишнинг хисобварақлари бўйича "Буюртмачи" томонидан далолатнома имзоланган кундан бошлаб 90 кундан кечиктирмай амалга оширилади.

2.5 Якуний тўлов, шартномада назарда тутилган бутун иш ҳажмини топшириш ва қабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилгандан кейин, 90 кундан кечиктирмай амалга оширилади.

2.6 Шартномада назарда тутилган, бажариб бўлинган ишларни "Буюртмачи" га топшириш "Пудратчи" билан тўлик хисоб-китоб қилингандан кейингина амалга оширилади.

2.7. "Пудратчи" бажарилган ишларнинг натижаларини "Буюртмачи" томонидан бажарилган ишларни қабул қилиш бўйича ҳужжатларнинг тўлик тўпламини имзолагунга қадар ушлаб туришга ҳақли.

2.8 "Пудратчи" иш ҳажми бўйича сметалар тузади ва сметаларнинг амалдаги меъёрий ҳужжатларга мувофиқлиги учун жавобгардир.

2.9. Ишларнинг (хизматларнинг) қиймати Ўзбекистон Республикасида амалдаги соҳавий нормативлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ "Пудратчи" томонидан аниқланади.

3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУКУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. "Пудратчи" ўз зиммасига олади:

3.1.1 Ушбу шартноманинг 1.1-бандда кўрсатилган ишларни (хизматларни) тегишли сифатда бажаришни.

3.1.2 Ишларни(хизматларни) ушбу шартноманинг 1.2-бандида кўрсатилган муддатларда тўлиқбажаришни.

3.1.3 Ишни тўлик, шунингдек, ҳар бир босқич якунланишида "Буюртмачи"га бажарилган ишларнинг далолатномасини тақдим этишни, ишни тўлик якунлаганда унга бажарилган иш тўгрисида хисобот бириктиришни.

3.1.4 "Буюртмачи" худудида ишларни (хизматларни) бажаришда меҳнатни муҳофаза қилиш, ХТ, ЁҲҚ қоидаларига, шунингдек корхонада амалда бўлган ишлаб чиқариш интизоми, режими ва меҳнат тартиби қоидаларига катъий риоя қилишни.

3.1.5. Вояга етмаганларни (18 ешга тўлмаган шахсларни) ишга жалб этиш тақиқланади, агар бу иқтисодий эксплуатация ёки хавфли бўлса ёки боланинг таълимига халақит бериши ёки унинг соғлиғига жисмоний, аклий, маънавий, ахлоқий ёки ижтимоий ривожланишига зарар етказса. 18 ёшга тўлмаган шахсларнинг барча иши тегишли хавф-хатарни баҳолашдан ва соғлиғи, меҳнат шароитлари ва иш вақтининг мунтазам мониторингидан ўтказилади.

3.2. "Пудратчи"хуқуқга эга:

3.2.1 Ушбушартномага қўшимча келишув тузилган ҳолда шартномада назарда тутилмаган қўшимча ишларни бажариш.

3.2.2 Ўз материаллари, ёки келишилган асосида Буюртмачи томонидан унга ўтказилган моддий-техник ресурслар ва ускуналар ёрдамида улбу шартнома бўйича ишларни амалга ошириш, ва бажарилган иш далолатномасини тузиш пайтида иш хажмигабуюртмачидан олинган материаллар, эҳтиёт қисмлар, учинчи шахслар томонидан тайёрланаги калибрлаш клеймалари (штампари), маҳсус рақамланган муҳрлар, қўйма батареялар ва бошқаларнинг нархини киритиши.

3.2.3. Зарурият бўлса, Буюртмачининг розилиги билан субпудратчилар билан пудрат шартномаларини тузиш.

3.3. "Буюртмачи" ўз зиммасига олади:

3.3.1 Ҳисобварак-фактуралар ва бажарилган ишлар (хизматлар) далолатномаларига асосан, улар имзоланган кундан бошлаб 90 кундан кечиктирмай "Пудратчи"га ишлар учун тўловни амалга оширишни.

3.3.2. Бажарилган ишлар (хизматлар) тўгрисидаги далолатнома ва унга илова қилинган хужжатлар олинган кундан бошлаб 10 кун ичида бажарилган ишлар тўгрисидаги имзоланган далолатномани ёки ишни қабул қилишни асосли рад этиш тўғрисида маълумотномани "Пудратчига"юбориши лозим.

3.3.3 "Пудратчи" томонидан бажарилган ишлар учун ўзаро ҳисоб-китобларнинг солиширма-далолатномасини у олинган кундан бошлаб 3 кун ичида имзолашни ёки уни асосли рад этишни.

3.3.4 Ишлар (хизматлар) муддатдан эрта тугаллаган тақдирда ишларни қабул қилиш ва тўловини амалга оширишни.

3.3.5 Асосли рад этилган тақдирда "Пудратчи" билан зарур қўшимча ишлар рўйхати ва уларни амалга ошириш муддатлари бўйича икки томонлама далолатнома тузишни.

3.3.6 "Буюртмачи" нинг обьектларида ишларни бажариш учун "Пудратчи"нинг ходимларини хизмат сафари ва "Пудратчи"нинг қурилма ва жихозларни ташиш билан боғлиқ ҳақиқий харажатлари қўшиб тузилган бажарилган ишдалолатномаларини қабул қилишни.

3.3.7 "Пудратчи" томонидан амалга оширилган ишлар далолатномаларига киритилганматериаллар, эҳтиёт қисмлар, учинчи шахслар томонидан тайёрланаги калибрлаш клеймалари (штампари), маҳсус рақамланган муҳрлар, қўйма батареялар ва бошқаларнинг ҳақиқий харажатларини "Пудратчига" қоплаб беришни.

3.3.8."Пудратчи"га ишни хавфсиз бажариш учун шароит яратиб бериш; обьектларда дастлабки маълумотлар, маълумотномалар, ҳисоботлар, техник хужжатлар ва ускуналарни тақдим этиш; "Пудратчи" жамоасига шартномада назарда тутилган ишларни бажариш учун иш олиб борилаётган обьект яқинида ишлаб чиқариш хоналари,"Пудратчи"нинг ускуналарини ташиш учун автотранспорт билан таъминлашни.

3.3.9.Вояга етмаганларни (18 ешга тўлмаган шахсларни) ишга жалб этиш тақиқланади, агар бу иқтисодий эксплуатация ёки хавфли бўлса ёки боланинг таълимига халақит бериши

ки унинг соглиғига жисмоний, ақлий, маънавий, ахлоқий ёки ижтимоий ривожланишига зарар етказса. 18 ёшга тўлмаган шахсларнинг барча иши тегишли хавф-хатарни баҳолашдан ва соғлиғи, меҳнат шароитлари ва иш вактининг мунтазам мониторингидан ўтказилади.

3.4 "Буюртмачи" ҳуқуқга эга:

3.4.1 Пудратчининг фаолиятига аралашмасдан, ишларнинг бажарилишини исталган вактида текшириш ва техник назоратни амалга ошириш;

4. КАФОЛАТЛАР

4.1. Объектни эксплуатация қилишнинг кафолат муддати бажарилган ишлар далолатномаси томонлар имзолаган санадан бошлаб 12 ойни ташкил этади.

4.2. Томонлар мажбурлаш ёки жарима таҳдида остида мажбурий меҳнат, иш ёки хизматлардан фойдаланмасликни кафолатлайди. Барча турдаги "хашарлар", пахта ва турли қишлоқ хўжалик экинларини йиғим-теримида, шунингдек, қурилиш ва инфратузилмани ривожлантиришда иштирок этишга мажбурий сафарбарлик қилиш ҳолларига йўл қўйилмайди.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Томонлардан бири томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилмаган ёки нотўғри бажарилган тақдирда, айбор томон бошқа томонга етказилган зарарни қоплади.

5.2 Кечикирилган тўлов учун "Буюртмачи""Пудратчи" га кечикирилган ҳар бир кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4% миқдорида, лекин муддати ўтган тўлов суммасининг 50% дан кўп бўлмаган миқдорда жарима тўлади.

5.3 Ишнинг бажарилишини кечикиргани учун "Пудратчи" "Буюртмачи"га кечикишнинг харбир куни учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,4% миқдорида, лекин бажарилмаган иш қийматининг 50% дан кўп бўлмаган миқдорда жарима тўлади.

5.4 "Буюртмачи" томонидан рад этиш сабаблари асосланмаган ҳолда бир томонлама шартнома бекор қилинган тақдирда "Буюртмачи" "Пудратчи"нинг қилинган харажатларини қоплади, шунингдек шартнома суммасининг 5% миқдорида жарима тўлади.

5.5 Жарима ҳақини тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тамоннинг ишни кечикириб бажариш оқибатида кўрилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди (1998 йил 29 августдан "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий асослари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 25-моддаси).

5.6 "Пудратчи" нинг айби билан бажарилган ишларнинг техник шартлар ва сифат шартларига мос келмаганлиги икки томонлама тузилган далолатнома билан тасдиқланган тақдирда, "Буюртмачи" "Пудратчи"дан бажарилган ишлар қийматининг 5% миқдорида жарима ундиришга ҳақли.

6 КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ШАРТЛАРИ

6.1 Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда Томонлар коррупцияга қарши курашиш бўйича қоидаларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди; яъни улар, уларнинг ходимлари, аффилланган шахслари, бенефициари ва шартномани амалга оширишдаги ҳамкорлари, пудратчилари томонидан бир-бирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки пора беришда воситачилик қилиш, моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинишини кафолатлайди.

6.2 Томонлар коррупцияга қарши қоидалар бузилганда ёки асосли гумонлар юзага келганда дархолёзма равишда(электрон почта орқали) ёкиишонч телефони орқали бир-бирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда томонлар юзага келган ҳолатга ойдинлик киритиш мақсадида ёзма изоҳ талаб қилиш ҳуқуқига эга ва мурожаатни олган томон 10 (үн) иш куни мобайнида тушинтириш бериши ёки ўз фикрини билдириши мумкин.

6.3 Мазкур бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатда

коррупцион хавф-хатар бартараф этилмаса, томонлар амалга оширган чоралар коррупцияни пасайишига олиб келмаса, бошқа томон шартномани бекор қилиш хуқуқига эга ё. унинг ижросини тұхтатиб қўйиши мумкин.

7. МАЖБУРИЙ ҲОЛАТЛАР (ФОРС-МАЖОР)

7.1. Енгіб бўлмас кучлар таъсири ушбу шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир килса томонлар ушбу шартнома бўйича мажбуриятларини қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этилади.

7.2 Юкоридаги ҳолатларнинг мавжудлиги ва уларнинг давомийлигига тегишли далиллар тегишли ваколатли органларнинг гувоҳномалари билан асосланади.

7.3 7.1-бандда кўрсатилган ҳолатлар бошлаганда ва тутатилгач, ушбу шартнома бўйича ўзмажбуриятларини бажариш имконияти бўлмаган томон тегишли ҳужжатларни илова килиб, дарҳол бошқа томони хабардор қилиши шарт.

7.4 Мажбурий ҳолатларининг юзага келишиуларнинг давом этиш муддатига шартноманинг бажарилиш муддатини оширишга олиб келади.

8. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

8.1 Томонлар ушбу шартнома бўйича юзага келадиган келишмовчиликлар ва низоларни ўзаро тушуниш асосида музокаралар йўли билан ҳал қилиш учун барча харакатларни амалга оширадилар.

8.2 Шартнома шартларидан четга чиқиш билан боғлиқ низолар "Буюртмачи" ва "Пудратчи"нинг қўшма йигилишида кўриб чиқилиши лозим, ишлаб чиқилган қарор икки томонлама протокол билан расмийлаштирилади.

8.3 Агар келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал қилишнинг иложи бўлмаса, ушбу шартнома муносабати билан келиб чиқадиган барча низолар Тошкент шаҳар хўжалик судида ҳал этилади.

9. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

9.1. Ушбу шартномага киритилган ўзгартиришлар ёки қўшимчалар ёзма шаклда, ҳар икки томон томонидан имзоланган ва ҳар икки томон томонидан муҳранган ҳолдагина ҳақиқий хисобланади.

9.2 Ушбу шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш фақат тамонларнинг келишувига биноан, бошқа ҳолларда 1998 йил 29 августдан "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқукий асослари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15-моддасига мувофиқ амалга оширилади.

9.3. Ушбу шартномани бекор қилишни бошлаган томон, кутилаётган тутатиш санасидан 30 кун олдин бошқа томонга ёзма хабарнома юборади.

10. БОШҚА ШАРТЛАР

10.1 Ушбу шартномада назарда тутилмаган бошқа ҳамма масалада томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги фуқаролик кодекси, 1998 йил 29 августдаги "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқукий асослари тўғрисида"ги қонун ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қиласидар.

10.2 Ушбу шартнома тузилган пайтдан бошлаб кучга киради ва томонлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунларига қадар амал қиласидар.

10.3 Томонларнинг ҳар бири, ташкилот номи, юридик манзили ёки банк реквизитлари ўзгарган тақдирда, 10 кун ичида ўзгаришлар ҳақида хабар бериши керак. Манзилнинг ҳақиқий жойлашган жойи ўзгарганлиги тўғрисида ёзма равишда хабардор қилинмаган тақдирда, ёзишмалар аввал кўрсатилган манзилга етказилади.

10.4 Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада, томонларнинг ҳар бири учун бир нусхада тузилади.

11 ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ:

«ПУДРАТЧИ»

«БҮЮОРТМАЧИ»

"O'zenergosozlash" MChJ

100097 Тошкент ш., Бунёдкор кўчаси, 23-уй
Х/Р 20208000 7001 2497 9001

АТБ «ЎзСҚБ» Тошкент ш. Катартол ф-ли
МФО 00426 СТИР 200796738
ОКЭД: 13140 тел. 276-03-43



АО«Sirdaryo IES»
120219 г.Ширин,Сырдарьинская область,
ул.Энергетиков,7 тел.(67)764-59-43,факс 764-51-30
Р/с:20 210 000 300 201 190 001
АКБ«Узсаноаткурилишибнига».Гулистан
МФО:00855 ИНН:201169179 ОКЭД:35.11.1
Регистрационный код НДС 324 120 000 987



Бух: *Жу*
Д-р: *Л.Бор*
ОСР: *Улум*
КТУ-1: *О.И.*
КТУ-2: *Жонж*
Драйв:
ПТО: *М.Х.*